

# **Одобнома дарсида бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш**

ЎМКХТТКМО ва УҚТИ

Н.Х.Хафизова

Таълим соҳасидаги чуқур ислоҳатлар айна пайтда ўқувчилар бошланғич синфларданок, ўз қизиқиш ва имкониятларига мос касб-хунарга тўғрисида маълумотлар олиб бориш эҳтиёжини кўрсатмоқда. Шу маънода, ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни пайдо қилиш жараёнида, улардаги ижодийлик ва мустақил фикрларни эркин билдириш қобилиятларини шакллантириш, турли касб-хунарга оид ахборотларни мустақил баён этишларига имконият яратиш лозим. Бундай имкониятни дарс жараёнини ноанънавий усулда интерфаол усулда ташкил қилиш орқали бериш мумкин. Қўйида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш асносида одобнома дарсидан намунавий дарс ишланмасини тақдим этамиз.

## **Одобнома**

**Мавзу:** Ҳар кимнинг ўз ҳунари бўлсин.

### **Мақсад:**

*а) Таълимий мақсад:* Касб-хунарга оид билимларни шакллантириш;

*б) Тарбиявий мақсад:* Касб-хунарга оид билимларни тарбиялаш;

*в) Ривожлантирувчи мақсад:* Касб-хунарга йўналтириш;

*г) Мотивацион мақсад:* Бирор-бир касб-хунарга оид мустақил ҳулосага келиш.

**Жиҳоз:** Дарсликлар, қоғоз, фламастер, тарқатма материал.

**Услуб:** Гуруҳларда ишлаш.

### **Дарсинг бориши:**

**I. Ташкилий қисм:** Саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш;

**II. Уй вазифасини сўраш ва баҳолаш:** «Одобнома» дарслигидаги «Илм ва ҳунар» мавзуларини сўраш ва баҳолаш;

**III. Янги мавзу:** Ҳар кимнинг ўз касб-ҳунари бўлсин.

Азиз ўқувчилар! Бугунги мавзуимизни гуруҳларда ишлаш услуби ёрдамида ўрганамиз. Синф ўқувчилари икки гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ берилади.

**Биринчи гуруҳга:**

**Ушбу расмни кузатинг ва тестни ечинг.**



1. Ушбу расмда қандай касб эгаси акс эттирилган?
  - А) Шифокор;
  - В) Ўқитувчи;
  - С) Кутубхоначи.
2. Глобусдан нималарни ўрганамиз?
  - А) Китобларни;
  - В) Овқатларни;
  - С) Мамлакатларнинг жойлашишини.
3. Дарс жараёнида асосан қандай ўқув қуролидан фойдаланамиз?
  - А) Кийимлардан;
  - В) Ўйинчоқлардан;
  - С) Китобдан.

**Иккинчи гуруҳга:**

**Ушбу расмни кузатинг ва тестни ечинг.**




1. қандай касб эгаси рамслар чизади?
  - А) Тарбиячи;
  - В) Ҳисобчи;
  - С) Рассом.
2. Расмдаги ой қандай рангда бўялган?
  - А) Сарик;
  - В) Оқ;
  - С) Қора.
3. Рассом расм чизишда нимадан фойдаланяпти?
  - А) Китоб, дафтар;
  - В) Рангли буёқлар;
  - С) Ручка

Натижалар умумлаштирилиб, саволларга жавоб берган ўқувчилар баҳоланади.

**Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш:** Мавзу бошқотирмани ечиш ёрдамида мустаҳкамланди.

|   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ў | Қ | И | Т | У | В | Ч | И |
|---|---|---|---|---|---|---|---|



|   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Р | А | С | С | О | М |   |   |
| Ш | И | Ф | О | К | О | Р |   |
| Д | У | Р | А | Д | Г | О | Р |
| Д | Е | Х | Қ | О | Н |   |   |
| Г | У | Л | Ч | И |   |   |   |

|   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|
| Д | О | Р | И |   |
| Р | А | Н | Д | А |
| Қ | А | Й | Ч | И |
| Х | О | С | И | Л |
| Қ | А | Л | А | М |
| Д | О | С | К | А |

**IV. Уйга вазифа:** «Одобнома» дарслигидаги «Хар кимнинг ўз хунари бўлсин» мавзусини ўқиш ва қуйида берилган бошқотирмани ечиш.

|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | Ч | Н | Б | Т | И | Х | Ж | Ъ | С |
| Й | Н | С | В | З | К | А | Б | А | Н |
| Ц | О | У | Н | К | У | Л | О | Л | К |
| У | Н | В | О | И | В | Ч | И | Т | Х |
| К | Ў | О | Й | Д | Я | В | қ | Ф | О |
| Е | Ш | қ | Х | Р | Т | П | М | И | Д |
| Н | Г | Ч | У | В | Ч | И | И | У | Л |
| Ў | Қ | И | Т | М | В | Ж | Э | Б | Ю |

Хулоса қилиб айтганда, таълим ва тарбиянинг илк босқичлари ҳисобланган бошланғич таълим кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида, анъанавий услубга нисбатан ўқувчиларнинг индивидуал фаоллигини амалга оширишни назарда тутиш лозим. Бу эса, шубҳасиз, ўқитувчига жиддий маъсулият юклайди. Чунки, дарс – ўқитувчи тафаккури ҳамда меҳнати маҳсули ҳисобланади.